

DOWORK ФОЙДАЛАНИШ КҮЛЛАНМАСИ 2020 й.

24 ДЕКАБРЯ

Фрилансерлар учун.

DOWORK



Мундарижа:

Кириш.....	3
Рўйхатдан ўтиш.....	4
Профилни фаоллаштириш.....	4
Шахсий кабинетга кириш.....	4
Портфолио жойлаш.....	5
Хизмат жойлаш.....	5
Буюртмага таклиф билдириш.....	6
Таклифларни кўриш.....	7
Ишни қабул қилиш.....	7
Ишни бажариш.....	7
Хавфсиз битим.....	7
Ишни топшириш.....	7
Арбитраж хизмати.....	8
Арбитражга мурожат қилиш.....	8
Ҳакамлик жараёни қандай олиб борилади?.....	8
Арбитражни қандай килиб бекор қилиш мумкин?.....	9
Тўловни ечиб олиш.....	9
Тўловни олиш реквизитларини киритиш.....	9
Тўловларнинг картага тушиш муддати.....	9
Конкурслар ва уларда қатнашиш.....	9
Шахсий маълумотларни тўлдириш сахифаси.....	10
Сертификат ва ютуқларни исботловчи хўжжат сканерини юклаш.....	10
Контакт маълумотларингиз.....	11
PRO ва PROFI.....	11
Сайтдаги балансни тўлдириш.....	12
Рейтинг.....	12
Профилни банд ёки бўш деб белгилаш.....	12
Профилни фрилансерлар сахифасида биринчига қўйиш.....	12
Профил юқори қисмiga обложка (муқова) расмини жойлаштириш.....	13
Умумий созламалар.....	13
Профилни севимлиларга қўшб қўйиш.....	13
Блог ёзиш.....	14
Якунловчи қисм.....	14

Кириш.

DOWORK.UZ сайти хақида қисқача түшүнчө.

DOWORK.UZ сайти бу фрилансерлар ва буюртмачиларнинг ўзаро ишончли ва хавфсиз иш олиб боришини таминловчи веб платформасидир.

Фрилансерлик бу бугунги куннинг замонавий кўринишдаги фаолият турларидан биридир. Ушбу фаолият билан жуда хам кўп соҳа вакиллари шуғулланишлари мумкин. Унинг энг яхши тарафларидан бири, соҳа учун буткул боғланиш шарт эмаслиги, яъни вактингиз булганида ёки дам олиш кунларида хам фрилансерлик билан шуғулланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу соҳа, иш вазифа бажариш эвасига момайгина қўшимча даромад топишнинг қулай усулихамдир. Хар бир инсон қайсиdir бир соҳада нимадир вазифа, иш бажара олади. Бунинг ортидан эса даромад топишлик мумкин албатта. Ҳамма хам вақти-вақти билан фреелансерлар хизматидан фойдаланади. Бу соҳа буюртмачилар учун хам, ишни тез ва сифатли бажарилишининг энг фойдали йўли хисобланади. DOWORK ни яратиш орқали биз фрилансерларнинг қулайлиги, иш бажариш тезлиги ва уларнинг ғояларини мукаммаллаштиришга интиламиз.

Тизимнинг асосий вазифаси бу – буюртмачи ва фрилансерни вақтини тежаш, фрилансер томонидан муддатида бажарилмаган буюртмага киритилган тўловни буюртмачига қайтариш, шунингдек тўлов борасида хар иккала тарафни хавфсизлигини таминлашdir.

DOWORK буюртмачининг вазифаси ўз вақтида бажарилиши ва фрилансернинг иш хақлари вақтида қабул қилинишини 100% кафолатлайди.

DOWORK билан хеч ким алданиб қолмайди!

Рўйхатдан ўтиш.

Даставвал DOWORK.UZ сайтига кирганингизда рўйхатдан ўтиш учун қуйидагича амалларни бажаринг!

1. Компьютердан сайтга кирганда, ўнг тараф юқори кисмдаги Кириш /

Рўйхатдан ўтиш ёзуви устига босасиз.

Мобил телефондан кирганда хам сайт юқори қисмида кириш белгиси бор.

Ушбу кнопкага босасиз.

2. Пайдо бўлган ойна юқорисидаги дан Рўйхатдан ўтиш га босинг;

3. Мен фрилансерман ни танланг;

4. Биринчи қаторга исмингиз, иккинчи қаторга электрон почта манзилингиз, учинчи қаторга эсингизда қоладиган пароль ёзинг. Киритилган маълумотларни ёдингизда тутинг. Улар сайтга кириш вақтида ишлатилади;

5. Пастдаги тўртбурчак катакча устига босинг;

6. Давом этиш га босинг;

7. Табриклаймиз сиз сайтда муваффақиятли рўйхатдан ўтдингиз.

Профилни фаоллаштириш.

1. Электрон почта манзилингизга профилни фаоллаштириш хабари юборилади.

Хабар ичидаги активлаштириш ссылкасига босинг (этой ссылке ёзуви устига);

2. Почтага юборилган ссылка билан ўтганда, ёки браузер оркали кабинетингизга кирганингизда Мутахассисликни танланг пастки қисмида соҳангизни танланг;

3. Давом этиш га босинг;

4. Табриклаймиз сиз профилингизни муваффақиятли фаоллаштирудингиз.

Шахсий кабинетга кириш.

Сайтда шахсий кабинетга кириш учун қуйидагича амалларни бажаринг.

1. Компьютердан сайтга кирганда, ўнг тараф юқори кисмдаги Кириш /

Рўйхатдан ўтиш ёзуви устига босасиз.

Мобил телефондан кирганда хам сайт юқори қисмида кириш белгиси бор.

Ушбу кнопкага босасиз.

2. Пайдо бўлган ойна юқорисидаги дан Кириш га босинг,

3. Биринчи қаторга рўйхатдан ўтганингиздаги киритган электрон почтангизни киритинг.;

4. Иккинчи қаторга эса рўйхатдан ўтганингиздаги киритилган паролингизни киритинг;

5. Кириш түгмачасига босинг.

Табриклаймиз сиз сайтда шахсий кабинетингга муваффақиятли кирдингиз.

Портфолио жойлаш.

1. Портфолио жойлашда, сайтга компьютер орқали кирилганда ўнг тараф юқори қисмда юмалоқ профил расмига, мобиль телефондан эса ўнг тараф юқори қисмдаги тўртбурчак профил түгмасига босасиз;
2. Портфолио га босасиз;
3. Иш кўшиш түгмасига босасиз;
4. Пайдо бўлган ойнадан портфел турини танлайсиз, сиз расмли ёки видеолавхали портфел яратишингиз мумкин; (Биз мисол қилиб расмликни босдик.)
5. Муқовага босасиз, портфел учун расм танлайсиз;
6. Сарлавха ёзувига босасиз ва портфел сарлавхасини киритасиз;
7. Хаволага босасиз, кераклича тўлдирасиз;
8. Тарифга босасиз, портфелга тарифни шу ерга ёзасиз;
9. Категория/Белги га босиб, қидирганда осон топилиши учун ўзингиз истаган калит сўзларни киритасиз;
10. Яшил рангдаги Кўшиш түгмасига босасиз;

Табриклаймиз сиз ўз портфелингизни муваффақиятли қўшдингиз.

Хизмат жойлаш.

1. Ўз хизматларингиз сайтга қўйидагича тартибда жойлашингиз мумкин, сайтга компьютер орқали кирилганда ўнг тараф юқори қисмда юмалоқ профил расмига, мобиль телефондан эса ўнг тараф юқори қисмдаги тўртбурчак профил түгмасига босасиз;
2. Менинг хизматларим га босасиз;
3. Хизмат кўшиш түгмасига босасиз;
4. Пайдо бўлган ойнадан суралган маълумотларни тўлдирасиз;
5. Сарлавха қаторига хизматингиз сарлавхасини киритасиз, яъни номини;
6. Муқова ёзуви ёнидаги танлаш түгмасига босинг ва хизматингиз муқовасига қурилмангиздан бирорта расм танланг;
7. Нархи қаторига хизматингиз нархини киритасиз;
8. Тарифга хизматингиз тарифини киритасиз, яъни хизматингиз хақида тўлиқ маълумот;
9. Агарда ушбу хизматга кўшимча хизматингиз бўлса пастки қисмдаги кўшимча хизматлар қаторига номи ва нархини ёзасиз.

-
10. Агар сизда бир нечта қўшимча хизматлар бўлса, Кўшимча хизматлар ёзуви тўғрисидаги + ни босинг;
 11. Барча маълумотларни киритиб бўлгач сахифа пастки қисмидаги Қўшиш деб ёзилган яшил тугмага босинг;

Табриклаймиз, сиз ўз хизматингизни қўшдингиз, хизматларингиз сайтнинг фрилансерлар бўлимининг юқори қисмидаги слайдерда кўрсатилади.

Диққат! Хизматларни слайдерда қўрсатишлик учун сизнинг профилингизда PRO хизмати ёқлган бўлиши керак.

Буюртмага таклиф билдириш.

1. Сайтнинг бош сахифаси пастроқ қисмида ёки тепа сахифадаги буюртмалар тугмасига босганда, буюртмачилар томонидан жойланган буюртмалар рўйхати кўринади. Буюртма ёнидаги яшил рангдаги Батафсил тугмасини босинг;
2. Буюртманинг маълумотлари таъриф ичида ёзилган бўлади, у билан танишиб чиқинг сўнгра Таклиф билдириш тугмасига босинг;
3. Пайдо бўлган ойнада буюртма учун нарх, уни бажариш муддатини киритинг.
4. Пастки қисмда Хабар матни қаторига буюртма юзасидан буюртмачига хабар ёзиб қолдирасиз;
5. Энди яшил рангдаги Юбориш тугмасига босинг.

Табриклаймиз, буюртма учун таклифингиз буюртмачига юборилди. Энди таклифингиз буюртмачи томонидан мақул келиши ва тасдиқланишини кутиш керак.

Эслатма! Сиз буюртмаларга таклиф билдиришингиз учун сайтда фрилансер сифатида рўйхатдан ўтган бўлишингиз ва шахсий кабинетга кирган бўлишингиз керак.

Таклифларни кўриш.

Буюртмаларга юборилган таклифларингизни ёки тизимга қўшган хизматингизга юборилган буюртмачи таклифларини электрон почтангизга юборилган хабар орқали билишингиз мумкин. Шунингдек, сиз таклифларни сайтнинг тепа панелнинг ўнг тарафидаги профил аватарига босганингизда (мобил телефонда тепа панелдаги одамча иконкасига босасиз) таклифларим тугмасини босганингизда хам кўришингиз мумкин.

Сизнинг таклифингиз буюртма сахифасининг пастки қисмида таклифлар рўйхатида хам кўриниб туради.

Ишни қабул қилиш.

Буюртмачи таклифни қабул қилганидан сўнг, сиз ўша вазифа учун юборилган таклифлар ичидан танлаб олинган иш бажарувчи хисоблснасиз. Таклифингиз қабул қилинганлиги хақида электрон почтангизга хабар юборилади. Энди сиз DOWORK.UZ сайтида таклифларим бўлимига киришингиз ва ишни олганингизни тасдиқлашингиз керак. Таклифларим бўлимида юборган таклифингиз учун Тақдиклаш ва Рад этиш тугмалари хосил бўлади. Ишни қабул қилиш учун тасдиқлаш тугмасини босишингиз мумкин.

Ишни бажариш.

Сиз ишни қабул қилишни тасдиқлаганингиздан сўнг, буюртмачи тўлов суммасини хавфсиз битим тизимиға ўтказиши керак. Буюртмачи тўловни амалга оширганидан сўнг, электрон почтангизга, буюртмачи буюртма хақини тизимга тўлагани ва ишни бошлишингиз мумкинлиги хақида хабар юборилади. Шундан сўнг ишни бажаришингиз мумкин.

Хавфсиз битим.

Фрилансерларга буюртмачидан, бажарилган ишлар, хизматлар учун тўловларни ишончли тарзда қабул қилиб олишни кафолатловчи хизматдир.

Ишни топшириш.

Буюртма шартларини бажариб бўлгач, шахсий кабинетингизда таклифларим бўлимида буюртма мухокамаси сахифасида бу хақида хабар беришингиз керак. Буюртма бажарилганлигини тасдиқлаш ва буюртмани яқунлаш буюртмачи томонидан амалга оширилади.

Диққат! Буюртмачи киригтан түловни фақатгина иш якунланғандан сүнг фрилансерга берилади. Иш якунланмаган холатда, түлов суммаси буюртмачига қайтарилади.

Арбитраж хизмати.

Хавфсиз битимда арбитраж низоларни таҳлил қилувчи, мажбуриятларни бажариш ва бюджетни қайтариш/тўлаш масалаларини ҳал қилувчи мустақил томондир. Бир гап билан айтганда одилона ҳакамлик хизматидир.

Куйидаги холатларда арбитраж хизмати керак бўлади:

- буюртмачи асоссиз равишда ишни қабул қилмаса;
- иш бажарувчи алоқага чиқмаса;
- шарт ва шартномаларда номувофикалик холатларида;
- ўтказиб юборилган муддатлар бўйича ишлашда;
- томонлар ўзлари ҳал қила олмайдиган бошқа ҳар қандай вазиятларда.

Арбитражга мурожат қилиш.

Агарда сиз буюртмани бажариб топширсангиз, бажарилган иш борасида буюртмачи нохақ булса, ёки сиз буюртмачидан норози бўлсангиз, буюртма мухокамаси сахифасида Арбитражга мурожаат қилиш тугмасини босинг. Пайдо бўлган ойнада савдо иштирокчиларининг барча харакатларини ёзинг, юбориш тугмасини босинг. Пайдо бўлган ойнада арбитражга шикоят матнини ёзинг. Сўров юбориш тугмасини босинг ва ҳакамлик жараёнини бошлашга тайёрлигингизни тасдиқланг.

Ҳакамлик жараёни қандай олиб борилади?

1 кундан 10 кунгacha бўлган муддат ичида: Арбитраж томонлар билан алоқа ўрнатади ва мулоқот қиласи (фақат битим сахифасида); буюртма, ёзишмалар ва натижаларни таҳлил қиласи; томонларни келишириш варианtlарини таклиф етади (керак бўлганда); якуний қарор қабул қиласи. Фрилансерга хам, буюртмачига хам бу хақида хабар берилади. Ечим борасидаги хабар электрон почта манзилига хам юборилади.

Арбитражни қандай килиб бекор қилиш мүмкін?

Буюртмачи ва иш бажарувчи ҳакамлик енди талаб этилмайды, деб битим жойида ёзсалар бас. Құшимча равишда құллаб-құвватлашга мурожаъат қилишлари талаб этилмайды. Агар ҳар икки томон келишувни тасдиқлаган бўлса, Арбитраж битимни иш жараёнига қайтаради.

Тўловни ечиб олиш.

Буюртмачи буюртма бажарилғанлигини тасдиқлаб, буюртмани якунласа электрон почта манзилингизга бу хақида хабар юборилади. Шундан сўнг буюртма мухокамаси сахифасида Тўловни ечиб олиш тугмаси хосил бўлади. Пулни картангизга ечиб олиш учун ушбу тугмани босишингиз керак.

Тўловни олиш реквизитларини киритиш.

DOWORK.UZ сайтида ишлаган пулларингизни ечиб олиш учун картангиз 16 талик ракамингизни киритган булишингиз керак. Сайт юкори қисмидаги профил аватарига босинг, созламалар бўлимига кириңг (мобиль телефонда созламалар бўлимига кириш шарт эмас). Энди эса молия ёзуви устига босинг. Ушбу сахифада UZCARD ёки Humo картангиз ракамини киритинг ва яшил рангдаги Сақлаш тугмасига босинг.

Тўловларнинг картага тушиш муддати.

Тўловлар фрилансер банк картасига, ечиб олиш сўрови юборилган вақтдан бошлаб 1 соатдан 12 соатгача бўлган муддат ичida тушириб берилади. Ечиб олишнинг минимал миқдори 5000 сўм.

Конкурслар ва уларда қатнашиш.

Сайтда айрим буюртмачилар ютуқли конкурслар уюштирадилар. Конкурсда истаган фрилансерлар қатнашишлари мүмкін. Конкурсда айнан битта вазифа берилади, унда конкурснинг шартлари, конкурс бошланиш санаси ва ғолибни эълон қилиш куни кўрсатилади. Конкурсда истаган фрилансерлар катнашишлари мүмкін. Фрилансер ўз таклифини билдиради, конкурс шартларига мос равишда иш намуналаридан кўрсатади. Буюртмачига мақул келган иш намунасининг эгаси буюртмачи томонидан ғолиб деб эълон қилинади. Конкурсда қатнашиш учун юкори панелдаги конкурслар ёзуви устига босинг. Мавжуд конкурслар рўйхатидан бирига таклиф юборишингиз мүмкін. Иш намуна файлларини юбораётганда Файлларни яшириш тугмасини белгилаб қўйсангиз, бириктирилган файллар фақат

конкурс уюштирувчисига кўринади, конкурс иштирокчилариға эса кўринмайди. Конкурсга киритилган ютуқ суммасини, конкурс туллангач, ғолибнинг банк пластик картасига ўтказиб берилади.

Диккат! Конкурс уюштириш учун сайтга буюрмачи сифатида кириш керак бўлади.

Шахсий маълумотларни тўлдириш сахифаси.

Сайтдаги профилингиз шахсий маълумотларим сахифасида ўзингиз хақингиздаги барча маълумотларни тўлдиришингиз мумкин. Шахсий маълумотларим сахифасига кириш учун тепа панелдаги профил аватариға босинг ва созламаларга босинг (мобиль қурилмаларда юқоридаги профил аватариға босгандан сўнг, созламаларга кириш шарт эмас). Ушбу сахифада куйидаги маълумотларингизни киритишингиз мумкин:

- Тұғилган санангиз;
- Жинсингиз;
- Шахрингиз;
- Асосий мутахасислигингиз;
- Қўшимча мутахасисликларингиз;
- PRO ва PROFI хизматини сотиб олишингиз;
- Ўзингиз хақингиздаги тарифларингиз;
- Иш стажингиз;
- Бир соатлик иш хақингиз қиймати;
- Бир ойлик иш ҳақингиз қиймати;
- Ҳужжатлар ва сертификатларингиз;
- Контактларингиз.

Сертификат ва ютуқларни исботловчи хужжат сканерини юклаш.

Сиз соҳангиз бўйича эришган ютуқларингизни исботловчи хужжатларингиз, фахрий ёрлиғ, сертификатлар сканерини профилингизга юклаб қўйишингиз мумкин. Бу сизга буюртмачиларнинг ишончини оширади бу эса ишингизга харидорлар сонини оширади. Даромадингиз кўпайишига ёрдамлашади. Сертификатларни юклаш учун, тепа панелдаги профил аватариға босинг ва созламаларга босинг (мобиль қурилмаларда юқоридаги профил аватариға босгандан сўнг, созламаларга кириш шарт эмас) . Шахсий маълумотлар бўлимига киринг сўнгра Ҳужжатлар ва

сертификатлар ёзуvinинг ёнидаги +қўшиш тугмасига босинг. Қурилмангиздан керакли хужжатни танланг. Шу билан файл кабинетингизга юкланади. Буюртмачилар профилингизни кузатиб кўрганида юклаган файлларингиз кўринади.

Контакт маълумотларингиз.

Сиз ўз профилингиз сахифасида контакт маълумотларингизни киритиб сақлаб қўйишингиз мумкин. Контакт маълумотлари сифатида телефон рақамингиз, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларингиз, электрон почта манзилларингизни киритишингиз мумкин. Бу буюртмачилар сиз билан тўғридан тўғри аълоқага чиқиш имконини беради.

Диққат! Сизнинг контакт маълумотларингиз буюртмачига кўриниши учун сизнинг профилингизда PRO хизмати ёқилган бўлиши керак.

PRO ва PROFI.

Бу фрилансернинг профессионал аккаунт хизматидир. Ушбу хизмат пуллик тарзда тақдим этилади ва одатий фрилансер профилидан фарқли равишда куйидаги қўшимча хизматларни тақдим этади:

- Рейтингни 25 балга қўтариш;
- 20 та қўшимча мутахасислик;
- Фақат ПРО ва PROFI учун деб белгиланган конкурсларда иштирок этиш;
- Фреелансерлар каталогидаги ишларни олдиндан кўриш;
- "Энг яхши иш" блокида эълон жойлаштириш;
- Фақат ПРО ва PROFI учун деб белгиланган буюртмаларда иштирок этиш;
- Буюртмаларда сизнинг жавобларингиз - бошқаларнидан юқорида туради;
- Очиқ алоқа контаклари;
- Хизматларни слайдердага чиқариш;

Ушбу хизматни ёқиш учун шахсий маълумотларим сахифасидаги Қўшимча мутахасисликлар қаторидаги PRO ёзуви устига босинг, ёки сайтнинг энг пастки қисмидаги PRO Аккаунт ёзуви устига босинг, кераклича муддатни танланг.

Хизматни 1 кун, 1 ой ёки 1 йил муддатга сотиб олишингиз мумкин.

Сотиб олиш тугмасини босиб сайтдаги шахсий балансингиздаги маблағ орқали ёки тўғридан тўғри UzCard/Humo банк пластик картаси орқали сотиб олишингиз мумкин.

Сайтдаги балансни тұлдириш.

Сайтдаги балансингизни тұлдириш учун сайтнинг юқори сахифасидаги профил аватарига босинг, созламалар ёзувиға босинг. Чап тарафдаги профилингиз номи пастки қисміда балансингиздегі қолдик күрсатилади. Ўша қаторда тұлдириш тұгмаси бор, ушбу тұгмани босасиз. Сумма миқдорини киритасиз, ва Тұлов усулини танланг ёзуви остидаги UzCard/Humo расміга босасиз. Картада рақамини киритасиз, пастки қаторға картанинг амал қилиш муддатини киритасиз. Картанғыз уланған телефон рақамиға тасдиқлаш коди юборилади. Код подтверждения қаторига үша кодни киритиб яшил тұгмани босасиз. Хисобингиз шу холатда тұлдириледи. Сайт балансидаги маблағлар фақатгина сайтдаги құшымча хизматлардан фойдаланиш учунгина амал қиласы.

Рейтинг.

Рейтинг бу, DOWORK.UZ сайтидаги сизнинг даражангиздек гап. Бу хам буюртмачини фрилансерга бўлган ишончини оширишда қўл келадиган воситадир. Шунингдек сайтнинг фрилансерлар сахифасида рейтинги баланд бўлган фрилансер профиллари юқори қисмда қўрсатилади. Рейтинг баллари фрилансер аккаунтини куриш учун кирган буюртмачилар учун хам яққол қўриниб туради. Рейтинг балларини кўтаришда, профилингиздги шахсий маълумотларингизни тұлдиришингиз, PRO хизматини сотиб олиш, буюртмачиларнинг ишиңгизга нисбатан белгилаган баҳоси, буюртмачининг бажарған ишиңгизга нисбатан қолдирған изохлари ёрдам беради.

Профилни банд ёки бўш деб белгилаш.

Компьютерингизда сайтнинг юқори сахифасидаги профил аватарига босганингизда бўш ва банд тұгмаларини кўрасиз. Фрилансерлар бирорта буюртмани бажаришга олганини тасдиқлаганда, ушбу фрилансер автоматик равишда банд деб белгиланади. Фрилансерлар банд холатда бошқа буюртмачи буюртмасини ололмайдилар.

Профилни фрилансерлар сахифасида биринчига қўйиши.

Сайтнинг фрилансерлар сахифасининг юқори қисми буюртмачилар учун кўзга ташланарли жой хисобланади. Бу эса бошқаларга нисбатан кўпроқ буюртмалар қабул қилиш ва купроқ пул ишлеш демақдир. Шунинг учун фрилансер ўз профилини ушбу сахифа юқорисига биринчи қилиб белгилаши мумкин. Бу хизмат пуллик хисобланади. Хизматни ёқиш учун сайтнинг юқори сахифасидаги

фрилансерлар бўлимига киринг (мобиль қурилмада фрилансерлар бўлимига кириш учун ўнг тараф юқори қисмдаги тугмани). Профилингизни биринчи қаторга бриктиринг ёзуви устига босинг ва керакли муддатни танланг. Кейин эса пастки қисмдаги тўлов усулини танланг. Сиз хизмат учун сайтдаги балансингиз ёки пластик картангиз орқали тўлов қилишингиз мумкин. Яшил рангдаги давом этиш тугмасини босинг.

Профил юқори қисмига обложка (муқова) расмини жойлаштириш.

Айнан бир фрилансерни танлаб, унинг профилини кўздан кечиришда кўзга ташланиб турувчи қисм бу албатта профилнинг юқори қисмидир. Фрилансер профилининг юқори қисмига дидга қараб фон расми ёки бирор нарса акс эттирилган расмни жойлаштириш билан профилининг қўринишини янада қўркам қилиш мумкин. Хизмат пуллик тарзда тақдим этилади. Хизматдан фойдаланиш учун сайт юқори сахифаси ўнг қисмидаги профил аватарига босиш ва профил номига босиш керак. Кейинги қадам, профилга муқова ўрнатиш тугмасига босишидир. Хизмат учун тўловни сайтдаги баланс ёки пластик карта орқали амалга ошириш мумкин. Тўлов амалга оширилгач, +Муқова қўшиш тугмасига босиб, қурилмадан керакли расм танланади. Ўрнатилиши керак бўлган расмнинг оптималь хажми 1920x400px бўлиши керак.

Умумий созламалар.

Ушбу сахифада профилнинг айрим маълумотларини жойрий холатдан янгисига ўзгартириш мумкин. Жумладан:

- Ислом;
- Фамилия;
- Никнейм;
- Электрон почта манзили;
- Телефон ракамини ўзгартириш, тасдиклаш;
- Пароль ни ўзгартириш;

Сахифага кириш учун сайтнинг юқори панелидан профил аватарига босинг, созламалар ёзувига босинг (мобиль қурилмада профил аватарига босиб, сайт пастки қисмига тушиш кифоя).

Профилни севимлиларга қўшб қўйиш.

Бурютмачилар ўзлариға манзур бўлган фрилансерларнинг профилларини ўзининг севимлилар рўйхатига қўшиб олиши мумкин. Сизни айнан кимлар севимлиларга

қўшиб олганини қўриб туриш имкониятингиз бор. Бунинг учун юқори панелдаги профил аватарига босинг ва севимлиларга босинг. Ўша сахифада сизнинг профилингиз қимнинг севимлилар рўйхатида эканини қўриб тура оласиз. Мобиль қурилмада эса профил аватарига босиш ва сайтнинг пастки қисмига тушив севимлиларга қириш қифоя.

Блог ёзиш.

Сайтда блог ёзиш имконияти мавжу бўлиб, унда сиз ўз хизматингиз хақида ёки бирор бир нарса, воқелик хақида мақола ёзишингиз мумкин. Бу сизнинг хизматингизга бўлган буюртмаларни кўпайишига сезиларли даражада ёрдам беради. Блог мақолалари сайтнинг бош сахифаси пастки қисмида, хамда блог сахифасида қўрсатилади. Мақола ёзиш учун сайт юқори панелидаги профил аватарига босинг ва менинг блогим ёзуви устига босинг. Ёзишни бошлаш тугмасига босинг. Муқова расмига босиб блог муқовасига расм жойланг, пастки қисмда блог учун бўлим танланг, сайrlавха ёзинг, пастки қисмда блог матнини киритинг ва юқорироқдаги +жойлаштириш тугмасини босинг. Блог мақолалари сайт маъмурияти текширувидан сўнг сайтда намоён бўлади.

Якунловчи қисм.

Айни дамда фрилансерлар учун қўлланмамиз шулардан иборат. Хизмат борасидаги хар қандай савол ва таклифлар билан сайт маъмуриятига мурожат қилишингиз мумкин. Маъмуриятга хабар ёзиш учун сайтнинг пастки сахифасидаги биз билан боғланиш ёзуви устига босинг. Кейинги сахифада ўз маълумотларингизни ва хабарингиз матнини киритинг, текшириш коди сахифасига расмдаги кодни киритинг. Хабарни юбориш тугмасига босинг.

Шунингдек қўйидаги контакtlар орқали хам биз билан боғланишингиз мумкун:

Tel: +998943849930

Telegram/WhatsApp/IMO: +998943849930

Email: info@dowork.uz

Сайтимиз янгиликларини эса телеграмдаги @dowork_fl каналида кузатиб боришингиз мумкин. Ушбу қўлланма DOWORK.UZ сайтининг фрилансерлари учун мўлжалланган. Сайтда бирор ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшилган тақдирда, ушбу қўлланмага маъмурият томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ишларингизда омад ва мұваффақиятлар тилаб чексиз хурмат билан Dwork.uz
сайти маъмурияти.